

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 4 сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [iltiy@inbox.uz](mailto:iltiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 12.04.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 4). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



*Калит сўзлар: таълим, касбий маҳорат, тажриба майдончаси, археологик ёдгорлик, коллекциялар, амалий машгулот, Қангли қўрғон, методлар тизими, амалий услуб.*

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОПЫТА И ПРАКТИЧЕСКОЙ РАБОТЫ В ПРЕПОДАВАНИИ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ ИСТОРИИ**

Боймирзаев Хуршидjon Каримжонович  
Наманганский государственный университет  
Факультет Социальных наук  
Преподаватель кафедры История

***Аннотация:** Практические методы в статье являются действенным методом понимания взаимосвязи исторических источников и людей, поскольку они отражают интересующие студентов результаты, а использование практических методов и их педагогические аспекты проливают свет на ряд научных и теоретических данных.*

***Ключевые слова:** образование, профессиональные навыки, экспериментальное поле, археологический памятник, коллекции, практические занятия, крепость Кангли, система приемов, практический стиль.*

## **USE OF EXPERIENCE METHODS AND PRACTICAL WORK IN TEACHING HISTORY TEACHING METHODS**

Boimirzaev Khurshidjon Karimzhonovich  
Namangan State University  
Faculty of Social Sciences  
Lecturer at the Department of History

***Annotation:** Practical methods in the article are an effective method of understanding the relationship between historical sources and people, because they reflect the results of interest to students, and the use of practical methods and its pedagogical aspects shed light on a number of scientific and theoretical data.*

***Keywords:** education, professional skills, experimental field, archeological monument, collections, practical training, Kangli fortress, system of methods, practical style.*

**Кириш.** Жаҳон тажрибаси таълим тизимининг барқарор ривожланиши, сифатли таълим хизматларининг йўлга қўйилганлиги, ўқитиш мазмунининг янги тенденция, илғор ёндашувлар асосида такомиллаштириб борилиши жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалар бўйича тараққий этишини таъминловчи бош омил эканлигини тасдиқлаган. Бу эса табиий равишда жаҳон ҳамжамияти мамлакатларида ижтимоий тараққиётнинг асосий ричаги бўлган таълим тизимининг пухта ишланган механизмини ишлаб чиқиш умуммиллий мақсадга айланишига олиб келмоқда.



Ҳозирда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар томонлама баркамол шахсларни вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашда педагог тарбиячиларнинг касбий маҳорати муҳим ўрин тутади. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида педагогларнинг савиясини ошириш, таълим-тарбия тизимини комплекс ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айни пайтда олий таълим тизимида педагогларнинг касбий ва маънавий савиясини янада юксалтириш зарур. Дарҳақиқат, ёш авлодни замон талаблари асосида билим бериш учун, табиийки, ўқитувчи-педагоглар малакаси ва маҳорати юксак бўлмоғи лозим. Айниқса, бугун ёшлар жуда илғор фикрламоқда. Дарсларни уларнинг талабига мос, юқори даражада ташкил этиш учун ўқитувчи мунтазам равишда ҳар бир машғулотга алоҳида тайёргарлик кўриши зарур. Шу нуқтаи назардан, олий таълими тизимига янги ва замонавий таълим технологияла-рини, ўқув дастурларини жорий этиш билан бирга, педагогларнинг касбий маҳоратини изчил ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, меҳнат қобилиятини фаоллаштириш, кузатувчанлик, мантиқий фикр юритишда амалий методлар катта аҳамиятга эгадир. Амалий методлар тарихий манбалар билан инсонлар орасидаги ўзаро алоқадорликни билишнинг самарали методи ҳисобланади, чунки уларда талабаларни қизиқтирадиган натижалар бўлади. Шунингдек, тарих фанини ўқитишда амалий методларни учга бўлиб изоҳлаймиз:

- Тажрибалар.
- Жойдаги аниқлаш ишлари.
- Ижтимоий фойдали меҳнат.

Тажрибалар тарихий манбаларни билишнинг самарали методи ҳисобланади, чунки уларда талабаларни қизиқтирадиган жараёнлар мавжуд. Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, кузатувчанлик, мантиқий фикр юритиш ва нутқни тарбиялашда тажрибалар катта аҳамиятга эга. Талабалар кишиларнинг табиатни ўзгартиришларида тажрибалар чинакам восита бўлишини кўришлари керак. Тажрибаларни ўқувчилар асосан мустақил ҳолда ўтказадилар. Турли хил археологик қазилмалар билан жуда эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этиладиган мураккаб тажрибаларни ўқитувчининг ўзи ўтказди.

Тажриба ўтказишдан олдин ўқувчилар ундан кўзланган мақсадни яхши тушуниб олишлари, тегишли анжомлар билан танишиб чиқишлари керак. Тажрибани ўтказиш, унинг бориши ва натижаларини тутилган дафтарларга ёзиб





бориш учун болалар билан биргаликда батафсил ишлаб чиқилган режа бўлиши зарур. Тажрибалар натижалари ҳам дафтарларда ёритилади ва хулосалар чиқарилади.

Гуруҳда, ўқув-тажриба ер майдонда олиб бориладиган амалий ишлардан мақсад билимларни ўзлаштириб олишдангина эмас, балки маълум малака ва кўникмаларни эгаллаб олишда ҳам талабаларга ёрдам беришдан иборат. Бундай ишлар сирасига, масалан, археологик ёдгорлик мажмуаларида кузатув олиб бориш; кузатув натижаларини ёзиб бориш ва у тўғрисидаги малакасининг эгаллашга, коллекциялар, кўрғазмали қўлланмалар тайёрлашга қаратилган ишлар; ёдгорликларни қайси асрларга тақалишини ёки жойларни қозиш хоссаларини ўрганишга боғлиқ бўлган амалий ишлар киради. Талабаларнинг ҳар бир амалий иши олдиндан яхшилаб тайёрланган, тўғри ташкил этилган, аниқ режалаштирилган, топшириқлар мазмуни пухта тузилган бўлсагина улар самарали натижа бериши мумкин.

Тажриба тарих фанини ўқитишнинг етакчи услуби эканлиги боис ҳамда баъзи турдаги амалий ишларни тайёрлаш, ташкил этиш, уларнинг ўзларига хос хусусиятлари ва аҳамияти билан танишамиз. Тажриба тарих фанини ўқитишнинг амалий методидир. Тажриба ўқитиш методи бўлиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган ҳодиса қонуниятини аниқлашга ёрдам берувчи шароитлар яратилади. Тажрибалар ўтказишда ўқувчиларда бошқа методлар билан эгаллаш мумкин бўлмаган табиий тасавурлари шаклланади.

Тажрибалар тарихий манбаъларни билиб олишнинг қизиқарли ва самарали методидир. Улар илмий дунёқарашни шакллантириш, кузатувчанлик, манتيқий тафаккур ва нутқни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. У дунёнинг моддийлигини, уни идрок қилиб олиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳар хил жисмларнинг хоссаларини билиб олишнинг чинакам илмий методидир.

Тажрибалар мавҳум тушунчаларни аниқ тушунчаларга айлантиришда талабаларга яқиндан ёрдам беради. Оддий тажрибалар ўқувчилар томонидан маҳаллий шароитларида, ўқув-тажриба майдонида мустақил бажарилади. Мураккаброқ тажрибаларни ўқитувчи дарсда намоиш қилади. Шунинг эса тутиш керакки, мазмуни жиҳатидан энг оддий тажриба фақат билим бериши билангина эмас, балки кузатиш жараёнини фаҳмлашга, унинг натижаларини таърифлашга ёрдам бериши билан ҳам қимматлидир.

Фараз қилайлик, талабалар тажриба майдонида Қанғли кўрғон – археологик ёдгорлиги тўғрисида билим олишлари керак. Бу ҳодисани тушунтириш учун ўқитувчи тажриба ўтказди ва тушунтиради. Талабалар бу тажриба орқали Қанғли кўрғон археологик ёдгорлиги тўғрисида билиб оладилар.



Маълумотларни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи намоиш қилган ва ўқувчиларнинг ўзлари ўтказган тажрибаларнинг маълумотларини таърифлаб ёзиш, баъзи ҳолларда уни ҳам, буни ҳам бажариш керак. Керакли қазилар билан ишлашда эҳтиётликни талаб қилувчи тажрибаларни ўқитувчининг ўзи ўтказди. Ҳар қайси тажрибани бошлашдан олдин талабаларга унинг мақсадини, тажриба ўтказишда нима учун худди шу асбоб ва моддалар олинганлигини яхшилаб тушунтириш, тажрибанинг ўтказили-шини маъруза қилиб бериш режасини ёзиш керак.

**Амалий услублар** ўқитувчи томонидан ташкил қилинадиган ва йўналтириладиган, ўқувчилар фикрини ривожлантиришга мўлжаллаган сўз, кўргазмалилик ва амалий ишнинг ўзаро мураккаб боғланишида бўлишини кўрсатади. Амалий услублар қўлланилиши ўқувчилар ретсепторлари ва эффекторларининг фаол фаолияти билан боғлиқ. Амалий услублар ўрганилган манбаларни чуқур тушуниб етишга, кўникма ва малакалар ҳосил қилишга имконият яратади. Амалий услубларни қўллашга ўқувчилар фаолиятининг ўзи билим манбаи ҳисобланади. Бундай усуллар сирасига оғзаки, ёзма машқлар, лаборатория ишлари, тажриба ер майдонида гуруҳдан ташқари бажариладиган машғулотлар киради. Амалий услубларнинг турларига:

- Ўқувчиларнинг тарқатма дидактик манбалар билан турли нарсалар ясаши;
- Расм чизиши;
- Археологик объектларини таниб олиш ва аниқлаш бўйича ишлари;
- Ҳодисаларни кузатиш ва қайд қилишлари;
- Тажриба ўтказишлари (тажриба воситасида масалаларни ҳал қилиш) киради.

Амалий иш бошланиши олдидан қўйилган савол, муаммо, масалага ўқувчилар унинг натижалари билан жавоб беришлари керак. Тарих дарслари таниб олиш ва аниқлаш амалий методларининг бир тури бўлиб, тарқалган тарихий ёдгорликларни ёки уларнинг қисмларини фарқига бориб, таниб олиш хусусиятларини ўргатади.

Таққослашдаги фарқга бориш талабанинг аниқлаш қобилиятини ривожлантиради. Фарқ қилиш ва аниқлаш бўйича ишлар дарслардагина олиб борилмайди, ўқитувчи табиатга уюштириладиган экскурсияларда ҳам тарихий ёдгорликларни топиш ва тўплашни, намуналар йиғишни, уларнинг ёши, қайси даврга тўғри келиши талабаларнинг ўзлаштириш олиш қобилиятларига қараб танлаб бериши керак. Тарихий ёдгорликларни аниқлашни билиб олиш бўйича ишларни талабалар тажриба майдонларида бажарадилар.

**Тарих фанини ўқитиш методлари тизимида амалий ишлар.** Табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштиришда амалий ишлар катта аҳамият ўйнайди. Амалий



ишлар ўқувчиларни улар фаолияти жараёнида ҳар хил меҳнат жараёнларига ўргатиш методидир. Амалий ишларга ўқувчиларнинг экскурсия вақтида табиий намуналар йиғиш, ер майдондаги ва табиат бурчагидаги тарихий ёдгорликларни парвариш қилиш, коллекциялар тузиш, муляж, макет, кўрғазмали қуроллар тайёрлаш каби фаолият турлари киради.

Тарихий ёдгорликлар бўйича амалий ишлар дастур ва дарсликларга киритилган, уларнинг бажарилиши мажбурийдир. Амалий ишларнинг самарадорлиги талабаларнинг уларни бажаришга тайёргарлик даражасига боғлиқ. Амалий ишларга тайёрланиш одатда узоқ вақтни талаб қилади ва бир неча босқичдан иборат бўлади:

Талабаларнинг назарий тайёрланиши. Масалан, стратиграфик тадқиқотлар орқали тажриба ер майдонига тарихий ёдгорликларни ўрганиш олдидан улар тўғрисидаги маълумотлар тўплами билан танишиб чиқадилар. Олинган назарий билимлар талабаларни ўзларига ажратилган тажриба ер майдонида амалий ишларни диққат билан, ёдда сақлаб бажаришга имкон беради. Назарий тайёргарликдан кейин талабалар тарихий ёдгорликларни даврларга бўлиб ўрганадилар, амалий ишда фаол қатнашадилар.

Амалий ишда талабаларнинг барчаси қатнашишлари лозим. Бунинг учун болаларни иш бажаришга керак бўладиган иш қуроллари ва манбалар билан таъминлаш зарур.

Талабаларнинг амалий ишлари ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. У ишни бажаришда қийналганларга ўз вақтида ёрдам бериши лозим. Бироқ бунда талабаларнинг фаоллиги ҳамда мустақиллигини чегараланмаслик керак.

Талабаларнинг ишлари албатта таҳлил қилинади ва баҳоланади, муваффақиятли бажарганлар рағбатлантирилади.

Бу ишларнинг бажарилиши талабаларнинг билиш фаоллигини оширишда, билимларни аниқлаштириш ва мустақамлашда ўқитувчига ёрдам беради. Тарих дарсларида амалий ишни машқ қилиш ўзига хос тарзда амалга оширилади.

Барча тажриба ва амалий ишлар тажриба дафтарида қайд қилинадиган ёзувлар билан бирга олиб борилиши керак. Шунингдек, кузатув ишларини ёзиш, унинг расмини чизиш, пластилидан объектлар ёпиштириш ҳам тавсия қилинади. Бунда талабалар тасвирланадиган ёдгорлик ёки ҳодисага диққат билан қарайдилар, улардаги илгари эътибор берилмаган хусусиятларни пайқайдилар. Амалий ишлар вақтида хулосаларни ёзиб бориш ёки расмлар остига ёзувлар ёзиш талабаларга таърифларни аниқлаб олишга, тарихий атамаларни эсда сақлашга ёрдам беради.



**Амалий машғулотлар.** Амалий машғулотлар тарқатма манба билан олиб борилади, бу талабаларга ўрганилаётган нарсани бир неча сезги аъзолари билан қабул қилиб олиш имкониятини беради, яъни улар нарсани кўрибгина қолмасдан, унинг устида ҳар хил тажрибалар ўтказадилар, унинг хусусиятини синайдилар. Тарқатма манба сифатида тарих фани дарсларида тарихий ёдгорликлардан фойдаланилади. Амалий ишлар қуйидаги тартибда олиб борилади:

- ▲ иш мақсадини эълон қилиш;
- ▲ ўқитувчининг йўл-йўриқлар бериши;
- ▲ топшириқни тушунтириш;
- ▲ манбаларни тарқатиш;
- ▲ кузатиш;
- ▲ ўтказилган иш натижаларини тушунтириш — суҳбат;
- ▲ хулосаларни дафтарга ёзиш;
- ▲ расмлар билан ифодалаш.

Амалий иш вақтида ўқитувчи топшириқ тушунарсиз туюлганда ёки мураккаб бўлганда айрим талабаларга ёрдамлашади. Лозим бўлса, иш мазмунини билан гуруҳга такроран тушунтириш керак бўлади. Амалий ишнинг асосий қийинчилиги кузатилаётган ҳодисаларни англаш, энг муҳимларини ажрата билиш, хулосаларни ифодалай олишдир.

Дарснинг бу қисмини режалаштиришда тарих фани бўйича ўқувчилар оладиган ва ўзлаштирадиган билимларни аниқ белгилаб олмақ зарур. Ишнинг мақсади ва аҳамиятини тушунтириб, ўқитувчи талабаларга уни бажаришнинг тўғри услубларини кўрсатади ва уни нима учун бошқача эмас, шундай бажариш кераклигини айтади. Кейин ўқитувчи бир-икки талабага ишни бажаришни таклиф қилади ва фақат улар ишни тўғри бажара олгач, бутун гуруҳга ишга киришишга рухсат беради.

Дарснинг иккинчи қисми талабаларнинг амалий ишидир. Амалий иш вақтида ўқитувчи талабаларни кузатиб, қўшимча тушунтиришлар олиб боради, стратиграфик тадқиқотлар сифатини баҳолайди, яхшиларини алоҳида таъкидлайди, йўл қўйилган хатоларни бартараф қилишни таклиф этади. Дарсга яқунловчи суҳбатда қуйидагича яқун ясалади: дарсда талабалар қандай янги маълумотларни билиб олганликлари, нима қила олишга ўрганганликлари, тадқиқот вақтида ўзларини қандай тутганликлари аниқланади. Хотимада ўқитувчи тарихий ёдгорликларни аниқлаш кераклиги, бундай тадқиқот қандай ташкил қилиниши ҳақида маълумот беради.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўқув материали оғзаки баён этилганда талабалар маълумотнинг 5–10 % ни эслаб қоладилар. Ўқув адабиётларидан мустақил ўқиш маълумотнинг 10–15 % ни, кўргазмали





материалларэса маълумотларнинг 20–25 % ни ўзлаштиришга имкон беради. Амалий методлар энг самарали метод ҳисобланиб, талабалар онгида маълумотнинг 75 % и сақланиб қолади. Лекин, ўқув-материалларини талабалар томонидан мустақил ўрганиш, амалий машғулотларини мустақил бажариш методлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 % билим ўзлаштирилади ва кўникма шаклланади. Демак, талабаларни мустақил ўрганиш, изланиш, муаммоларни мустақил ечиш, амалий таъсирларига йўналтирилган фаол методларни қўллаш яхши самара беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Сағдиев А., Фўзаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 215.
2. Исмоилова Ж. Музей педагогикаси: тажриба ва изланишлар // Мозийдан садо, 2014. 1(61). – Б. 19 –22.
3. Сағдиев А. Ўзбекистон халқлар тарихини ўқитиш. –Тошкент: Шарқ, 1993. – 98 б.
4. <http://www.pedagog.uz> Тошкент давлат педагогика университети веб сайти.
5. <http://www.tarix.uz> Тарих фанига оид мақолалар, янгиликлар, китоблар, тарихий шахслар тўғрисида сайти.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонни асосида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябр санаси “Ўзбек тили байрами кuni” деб эълон қилинди. Шунингдек фармонда, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбеккона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш ҳам белгилаб берилган эди. Қисқа вақт ичида бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984 сон қарори билан Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, ҳокимликлар тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан иш юритиш фаолиятида энг кўп фойдаланиладиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиб-қоидаларининг тегишли намуналари берилган “Давлат тилида иш юритиш” номли янги қўлланма яратилди.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз кундалик турмуш тарзида ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқаларимизда ҳам яққол ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2020 йил 23 сентябр мустақил Ўзбекистон тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Айнан мана шу кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида юксак минбардан туриб, ўзбек тилида нутқ сўзлади. 2020 йилда Афғонистон Ислom Республикасида Ўзбек тили кунига бағишланган байрам тadbирлари биринчи марта давлат миқёсида нишонланганини мамлакатимиз жамоатчилиги, бутун ўзбек халқи катта хурсандчилик билан қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084 сон Фармонида асосан “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси” қабул қилинди [2]. Ушбу концепцияда белгилаб берилган бир қатор ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда. Масалан, айни вақтда ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университетлари ва 100 дан зиёд мактабларида ўрганилмоқда [3]. Концепцияда, жумладан, олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилгача эса 140 тага етказиш ва 2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада 84 соатдан 110 соатгача ошириш ҳамда 2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон



намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун 14 та онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу ко‘рсаткични 25 тага етказиш белгилаб қўйилган [4].

Ҳақиқат шуки, мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида ҳар биримизнинг олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Айниқса, таълим муассасаларида ёшларга билим улашаётган педагог ходимлар зиммасига улкан мажбурият юкланади.

Мақтаб дарсликларида ҳам ёш авлодни ҳар томонлама саводли қилиб тарбиялаш мақсадида иш қоғозлари устида ишлаш учун дарс соатлари ажратилган. Иш қоғозлари билан боғлиқ билимларни ўрганиш ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини ва билим даржасини оширади. Уларнинг мулоқотга киришиш қобилиятини ривожлантиради, бошқалар билан ўзаро узвийликда бўлишини таъминлайди. Дарсларда иш қоғозлари билан таништириб бориш ўқувчиларда шахс ва жамият билан боғланиш учун онгли кизиқиш пайдо қилади, мустақил фаолият учун интилиш ҳисси ривож топади, шахсий муносабатларни йўлга қўйиш кўникмаси шаклланади. Иш қоғозлари билан ишлаш дарсларида таълим-тарбия билан бир бутунликда ўқувчининг ўз-ўзига нисбатан шахсий ҳурмати ва ишончи ортиб боради.

Ўқувчиларга иш қоғозлари билан ишлашни ўргатишда ҳамда иш қоғозларидан фойдаланиш жараёнида эътибор бериш лозим бўлган жиҳатларни уқтириш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

- 1) ҳар бир иш қоғози муайян мақсадни амалга ошириш учун йўналтирилган бўлиши кераклиги;
- 2) ўзаро мулоқотга киришишда аниқ мавзу билан боғланиш шартлиги;
- 3) иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланиладиган ҳужжатлар турларини билиш лозимлиги;
- 4) ҳужжатларни тузиш тартиб-қоидаларидан хабардор бўлиш кераклиги.

Ўрганиш самарадорлигини ошириш учун иш юритиш ҳужжатларидан ўқувчиларга намуналар кўрсатиш, иш юритишга оид луғатлар ва қолиплар билан таништириш уларда амалий компетенцияларни шакллантиради. Бундан ташқари, дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида тасаввур имкониятини бериш орқали ролли дақиқалар (кичик сахна кўринишлари)ни ташкил этиш мумкин. Ушбу методик услуб натижасида иштирокчиларда ижодкорлик ва интилиш руҳияти пайдо бўлади, бу эса ўрганувчиларда тафаккур қилиш қобилияти ривожига туртки беради. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида шахслараро ва жамият билан узвий алоқани йўлга қўйиш, ана шу қонуниятларга асосланиш муҳимдир. Ўқувчилар ролга кириш жараёнида воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг амалий исботини ўз кўзи билан кўради, хулоса чиқаради, умумлаштиради, хаёл ва фантазия қила олади. Ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишини аниқлаш учун маълумотларни қабул қилиш ва қўллай олиш даражасига



кўра аниқлаш мумкин. Бунинг учун ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар бериш ўринлидир.

Бугунги глобллашув даврида давлат тилида иш юритишнинг услубий ва ташкилий муаммолари атрофлича ўрганилиб, қатор ечимлари топилган ва амалий тадбиқ этиб келинмоқда. Шу муносабат билан бу борада ҳар томонлама кўмак берувчи омилларни кучайтириш, махсус дарслик, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар, замонавий ўқитиш усуллари кенг жорий этиш бўйича “методик йўл кўрсаткич” лар (таъкид бизники – О.Ш., А.С.) яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшлар учун интернет ва ижтимоий тармоқлар турли маълумотларни олишда асосий манбаларга айланган. Бинобарин, энг асосий миллий қадриятимиз бўлмиш – она тилимизни жозибакор ва гўзал ҳолатда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компютер дастурларини, онлайн дарсликларни ҳамда электрон луғатларни яратишни лозим деб ҳисоблаймиз. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни жадаллаштириш лозимдир.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

- [1] <http://www.isrs.uz/oz/ozbekiston-yangiliklari/ozbekiston-xalqiga-bayram-tabri-gi>
- [2] <https://lex.uz/docs/-5058351>
- [3] <https://www.gazeta.uz/oz/2019/10/22/uzbek-language/>
- [4] Siraziyeva Elmira. Lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosiga o‘tish jadallashtiriladi // URL: [https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda\\_yangi/lotin\\_ezuviga\\_asoslangan\\_uzbek\\_alifbosiga\\_utish\\_jadallashtiriladi](https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/lotin_ezuviga_asoslangan_uzbek_alifbosiga_utish_jadallashtiriladi)



**МУНДАРИЖА**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00**

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1	<b>Аморф яримўтказгичларда экспоненциал оптик ютилиш коэффициенти спектри ва валент зона думидаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимооти</b> Икрамов Р. Ғ, Жалалов Р. М, Ураимжонов И.М, Бекбоева С.Қ, Турғунова Н. А.....	3
2	<b>Представление элементы вариационного ряда</b> Мадрахимов А.Э .....	9
3	<b>Математик мантиқнинг баъзибир татбиқлари</b> Неъматов И, Акбарова С.Ҳ .....	14
4	<b>Molekulyar fizikadagi fizik kattaliklarning statistik tavsifi</b> Xolmo'minov J. O, Abdullayev J. M, Izbosarov B.F .....	17
5	<b>Задача продолжения для абстрактного бикалорического уравнения</b> Эгамбердиев О.М .....	22
6	<b>Modification of "life line" game of isaacs</b> Samatov B.T, G'ayniddinov Sh.T, Uzoqboyev X.Q, Abdurahimova Z. I.....	25

**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00**

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**CHEMICAL SCIENCES**

7	<b>Темир (II) ва (III) ионларининг аралаштирилганлиги комплекслари тузилишини ядро гамма-резонанс спектроскопик усулида ўрганиш</b> Алиев Т.Б, Хусенов К. Ш, Мухиддинов Б. Ф, Бегманов С. Н .....	33
8	<b>Helianthus tuberosus L.(топинамбур) ўсимлиги полисахаридларининг анализи</b> Маматкулова С. А, Дехканов Р.С, Абдуллаев Ш.В, Матмуродов У.У .....	38
9	<b>Количественное определение состава и сравнительные исследования физико-химических свойств крахмала различного происхождения.</b> Карева Н.Д., Муслимова М.А., Шахобутдинов С.Ш., Югай С.М., Турдикулов И.Ҳ., Атаханов А.А.....	43
10	<b>Обогащенный суперфосфат на основе переработки мытого сушеного концентрата</b> Расулов А.А, Очилов С У, Намазов Ш.С, Пирназаров Б.У, Курбаниязов Р.К.....	50
11	<b>5-гидрокси-3'-метокси-7,4'- диацетилокси-флавоноининг каламуш аортаси қисқариш фаоллигига таъсирини ўрганиш</b> Омонтурдиев С.З., Зарипов А.А., Мирзаева Ю.Т., <sup>1</sup> Усманов П.Б., Комилов Б.Ж.....	58





24	Хорижий давлатларда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларининг ижобий тажрибасини ўзбекистон республикасига имплементация қилиш масалалари Шамшиев Ж. А .....	132
25	Тарих ўқитиш методикаси таълимида тажриба ва амалий иш усулларидадан фойдаланиш Боймирзаев Х.К. ....	138

09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ  
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ  
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

26	Жамият тараққиётининг янги босқичида ёшлар маънавий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари Ғулумжонов О.Р .....	146
27	Глобаллашув жараёнида исломий қадриятларнинг фуқаролик жамияти ривожланишига таъсири Абдуллаев А.Н .....	151
28	Имоми Аъзам Абу Ҳанифа педагогик қарашларида сурат ва сийрат масаласи Атаджонова Д.У .....	158
29	Огахий ижодига алишер навоийнинг инсонпарварлик ғоялари таъсири Қалаңдарова М.А .....	164
30	Зиёлиликни маънавий-ахлоқий ҳодиса тариқасида намоён бўлиши Ражапов О.Б .....	168
31	Ёшларнинг ижодий тафаккурини юксалтиришда шарқ алломаларни маънавий меросини ўрни Ражаббоев Ж.Ж .....	172
32	Ёшларни ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилишда миллий ғоя негизига таянишнинг истиқболлари Ташметов Т.Х .....	177
33	Жамоатчилик билан алоқалар (паблик рилейшнз) дунёвий фан сифатида пайдо бўлиши ва жамият тараққиёти таъсири Турсунова Ш.Б .....	183
34	Абу Райҳон Беруний асарларида ёшларнинг ахлоқий-маърифий қарашларини ёритилиши Ҳажиева М.С .....	188
35	Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий қарашларида маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари Ҳоджаниязов С.У .....	193
36	Тизимли ёндашувнинг фалсафий-методологик муаммолари Ғаффарова Г.Ғ .....	197